

“Hududiy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамияти
ягона акциядорининг 2 сонли
КАРОРИ

2020 йил 9 март

Тошкент шаҳри.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар 83 226 790 056 донани ташкил этади.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг барча овоз берувчи акциялари Ўзбекистон Республикасининг Давлат активларини бошқариш Агентлигига тегишли бўлиб, Агентлик жамиятнинг ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масала юзасидан қабул қилинди:

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг янги ташкилий тузилмасини ва ижро аппаратининг янги тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.

2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2019 йил якунлари бўйича фаолияти ва молиявий ҳисоботларини текшириш учун аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори ва чегарасини белгилаш.

3. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Кузатув кенгаши таркибига янги аъзоларни сайлаш тўғрисида.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида ўтказилган 2019 йил 24 майдаги мажлис баённомаси топшириқларига биноан Илм-фан ва таълим-тарбияни ривожлантириш “Зиё форум” фондига маблағ ажратиш тўғрисида.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 декабрдаги “Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4544-сонли Қарорига асосан Жамият стратегик аҳамиятга эга корхона этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4422-сонли Қарорнинг 11-бандига асосан ҳудудий электр тармоқлари корхоналари учун электр техника ускуналари ва қурилмаларини, шунингдек, бутловчи буюмлар ва материалларни харид қилиш “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ томонидан марказлаштирилган тартибда амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 октябрдаги 899-Ф-сонли Фармойишига асосан Давлат дастурлари, қолаверса, Хукумат томонидан бериладиган топшириқларни ўз вақтида бажариш мақсадида ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини марказлаштирилган тартибда молиялаштиришни амалга оширади.

Жамият томонидан тизим таркибидаги корхоналарни инвестицион дастурларини ва Хукумат топшириқларини бажариш доирасида 1 ойда ўртача 180,0 млрд. сўм қийматида маблағлар қурилиш ишларига йўналтирилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 январдаги 34-сонли “Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан Давлат бошқаруви органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари тузилмаларида раҳбарнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимини жорий этилиши белгиланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 февралдаги 111-сонли қарорининг 2-бандига биноан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ тизимидаги “ЭЭХОНҚАТ жорий этиш дирекцияси” МЧЖни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг филиалига айлантириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 январдаги 34-сонли ва 28 февралдаги 111-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда 2020 йил учун Манзилли Дастурга киритилган инвестиция лойиҳалари ва ҳукумат топшириқларини ўз вақтида самарали бажариш учун талаб этилаётган материаллар ва иш хажми салмоғининг юқорилигини инобатга олиб, “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг янги ташкилий тузилмаси ва ижро аппаратининг янги тузилмасини тасдиқлаш зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори, **қарор қилади:**

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг янги ташкилий тузилмаси ва ижро аппаратининг янги тузилмаси 1- ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Бошқаруви раиси У.М.Мустафоевга Жамият ижро аппаратининг янги тузилмасидан келиб чиқиб Жамиятнинг штатлар жадвалига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини амалга ошириш топширилсин.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2019 йил якунлари бўйича фаолияти ва молиявий ҳисоботлари юзасидан Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича 2019 йилнинг октябр ва ноябр ойларида танлов эълон қилинган.

Танловда иштирок этиш учун 4 та аудиторлик ташкилотидан аризалар келиб тушган: «NAZORAT AUDIT» МЧЖ (59,0 млн. сўм), «MARIKON AUDIT» МЧЖ (68,0 млн. сўм), «HLB Tashkent» МЧЖ (66,9 млн. сўм) ва «Balans Inform AUDIT» МЧЖ (1309,0 млн. сўм).

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича танлов комиссияси тарафидан аудиторлик ташкилотларидан келиб тушган таклифлар уларнинг бозордаги фаолияти даври, малака сертификатиغا эга бўлган аудиторлар сони, халқаро сертификатларнинг мавжудлиги, аудитор ташкилотлари рейтингдаги ўрни, энергетика соҳасидаги корхоналарда ўтказилган аудиторлик текширувлар тажрибаси меъзонларидан келиб чиққан ҳолда ўрганиб чиқилиб, 2019 йил якунлари бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун «HLB Tashkent» МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузиш тавсия этилган.

Ушбу масала “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Кузатув кенгашининг 27.11.2019 йилдаги мажлисида кўриб чиқилиб, “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2019 йил якунлари бўйича фаолияти ва молиявий ҳисоботлари юзасидан Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувини ўтказиш ва Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207-сонли қарорига мувофиқ самардорликнинг муҳим кўрсаткичларини (КРІ) ҳисобланишини баҳолаш бўйича аудит ўтказиш учун «HLB Tashkent» МЧЖ аудиторлик ташкилоти тавсия этилган. Бунда ушбу аудиторлик ташкилоти хизматлари учун тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори 66,9 млн. сўм қилиб белгилаш бўйича тавсия қилинган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори, **қарор қилади:**

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Кузатув кенгашининг 27.11.2019 йилдаги 3.19-сонли мажлис баённомаси тавсияларидан келиб чиқиб, Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича фаолияти ва молиявий ҳисоботлари юзасидан Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувини ўтказиш ва Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207-сонли қарорига мувофиқ самардорликнинг муҳим кўрсаткичларини (КРІ) ҳисобланишини баҳолаш бўйича аудит ўтказиш учун «HLB Tashkent» МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин.

2. «HLB Tashkent» МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хизматлари учун тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори 66,9 млн. сўм қилиб белгилансин.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Ягона акциядорининг 2019 йил 21 июндаги 2-сонли қарори билан Жамиятнинг 7 кишидан иборат Кузатув кенгаши сайланган.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.04.2019 йилдаги 356-сонли қарори талабларига асосан устав фондида давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятларининг кузатув кенгашлари таркибига

ўзгартириш киритиш бўйича Давлат активларини бошқариш агентлиги 2019 йил 26 ноябрдаги 994/03-08-1-сонли хати билан Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 январдаги 06/1-866-сонли топшириғи билан ташкил этилаётган кузатув кенгашларини белгиланган тартибда фаолият олиб боришини таъминлаш белгиланган.

Шунга кўра, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 20 январдаги 370/03-08-сонли хати билан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Кузатув кенгаши аъзолари Ж.Б.Юнусов ва О.Б.Шариповлар ўрнига У.У.Газиёвни (Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи) ва Р.Л.Давидовани (Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи) сайлаш масаласини Жамиятнинг тегишли бошқарув органи йиғилиши кун тартибига киритиш сўралган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори, **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.01.2020 йилдаги 06/1-866-сонли топшириғи ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 20 январдаги 370/03-08-сонли хати ижросини белгиланган муддатларда таъминлаш мақсадида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Кузатув кенгаши таркибидан Ж.Б.Юнусов ва О.Б.Шариповлар чиқарилсин.

2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Кузатув кенгаши таркибига қуйидаги аъзолар сайлансин:

Улугбек Убайдуллаевич Газиёв - Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи

Регина Левоновна Давидова - Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2019 йилнинг 24 майида Ўзбекистон миллий университетида ўтказилган мажлис баённомаси топшириқларига биноан илмий тадқиқотларни ўтказиш, илмий ишланмаларни яратиш ҳамда олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларини замонавий ўқув-илмий лаборатория жихозлари билан таъминлаш ишларини молиялаштириш учун Махсус жамғарма ташкил этиш ва ушбу жамғарманинг дастлабки маблағларини шакллантириш учун тегишли вазирлик, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва тижорат банклари томонидан 200,0 млрд. сўмлик маблағларни ажратиш белгиланган.

Кейинчалик ушбу баённома топшириқлари ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 августдаги 657-хдфу сонли қарори билан “Илм-фан ва таълим-тарбияни ривожлантириш “Зиё форум” жамғармаси ташкил этилиб, ушбу жамғарма учун тегишли вазирлик, идора ва юридик шахслар томонидан 2019-2020 йилларда 200,0 млрд. сўмлик, шу


жумладан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ томонидан жами 3,0 млрд. сўм миқдорда маблағ ажратилиши белгиланган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 08.01.2020 йилдаги 02-71-сонли хати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.01.2020 йилдаги 08/1-49-сонли топшириғи билан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 августдаги 657-хдфу сонли қарорига биноан тегишли маблағларни ажратилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори, **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.01.2020 йилдаги 08/1-49-сонли топшириғи ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 августдаги 657-хдфу сонли қарори ижросини белгиланган муддатларда таъминлаш мақсадида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ томонидан “Илм-фан ва таълим-тарбияни ривожлантириш “Зиё форум” жамғармасига 2019-2020 йиллар учун 3,0 млрд. сўм миқдорда маблағ ажратилишига розилик берилсин.

**Давлат активларини бошқариш
Агентлиги директори ўринбосари в.б.**



Т.Набиев